



ЮКСАК ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Юртимизда яқинда бўлиб ўтган сайловлар авваломбор, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуқлик гаражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Бу сайловлар, Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислохотларнинг амалий натижаларини намойиш этди.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу умум-халқ сайлови, бир томондан, электоратнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуқлик даражаси ошганини ёрқин намойиш этган бўлса, иккинчи томондан, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, Вата-

нимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида Ўзбекистон халқи ҳамжиҳатлигининг кўзгусига айланди.

Бу ҳақда сўз борганда, 70 мингдан ортиқ маҳаллий ва

340 дан зиёд хорижлик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари мазкур сайловларни кузатишда иштирок этганига эътибор қаратиш жоиз. Бинобарин, ана шу миллий, хорижий ва халқаро кузатувчилар Ўзбекистондаги сайлов-

лар очиқлик ва ошкоралик шароитида, миллий қонунчилик ҳамда халқаро андозалар доирасида ўтказилганини эътироф этгани диққатга лойиқдир.

Сайловдан кейинги қисқа даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи ташкилий йиғилишлари, шунингдек, ҳар икки палатанинг илк қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари бевосита иштирок этган ва нутқ сўзлаган ушбу мажлисларда мамлакатимизда парламент сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва очиқ ҳуқуқий шароитларда, шаффоқлик, ошкоралик ва адолатлилик каби дунё ҳам-

жамияти тан олган демократик принциплар асосида, миллий қонунлар ва сайлов тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар талабларига, умум-эътироф этилган нормалар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилгани алоҳида таъкидланди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 23 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги дастурий маърузасида янги таркибдаги парламент палаталари ўз фаолиятининг аниқ йўналишлари доирасида амалга оширишига қаратилган устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islohot va samara

Кассация инстанцияси

суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Маълумки, амалдаги қонунларимизда суднинг ҳал қилув қарори ёки ажрими устидан қонунда белгиланган тартибда ва муддатда юқори инстанцияларга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлангани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қиламоқда.

Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексининг 310-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текши-

риш ҳақида шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатлари асосида барча мулк шаклидаги корхоналар ва иқтисодиёт тизимининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи шартномавий муносабатлар мустаҳкамланди. Зотан, шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш фақат тарафлар манфаатларига хизмат қилибгина қолмай, иқтисодиётимиз ривожининг ҳам муҳим омилли ҳисобланади.

Qonun ko'magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш қонунийликни таъминлайди

Айтиш керакки, бу борада "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун, Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш ва бу борада зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш вазифаси адлия идоралари зиммасига юклатилган.

(Давоми иккинчи бетда)



Авалло шунга айтиш керакки, амалдаги қонунларимиз талабига кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт. Шу маънода Жиноят кодексининг асосий принципларидан ҳисобланган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, энг аввало, етказилган моддий ва маънавий зарарни бартараф этишга хизмат қилади.

Insonparvarlik tamoyillari

Зарарни ихтиёрий қоплаш

жавобгарга енгиллик беради

Одатда, моддий зарар мулкнинг дастлабки ҳолатига нисбатан қайтариш, ўзгариши, йўқ бўлиб кетиши каби омиллар билан изоҳланади. Жиноят-процессуал кодексининг бешинчи бўлимида жиноят натижасида етказилган мулкнинг зарарни қоплаш масаласи батафсил ёритилган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги "Жиноий ҳаракатлар оқибатида ет-

казилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"ги қароридан моддий зарар юзасидан, 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қароридан маънавий зарар хусусида судларга батафсил тушунтириш ва раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Моддий зарар етказилишига

олиб келган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тамойилининг амал қилиши ўз ўрнида моддий зарарнинг қопланишини таъминлашга замин яратади. Ўз навбатида, айбдор шахс томонидан моддий зарарнинг ихтиёрий равишда қопланиши жазонинг енгиллаштирилишига ёки бутунлай жавобгарликдан ёхуд жазодан озод бўлишига асос бўлади.

(Давоми иккинчи бетда)

Mezon

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари

бу борадаги ҳуқуқий асослар
янада мустаҳкамланди

Мамлакатимиз барча жабҳаларда улкан ютуқларга эришяётганини бугун нафақат юртдошларимиз, айна чоғда халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, жамиятда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари устуворлиги тўлиқ таъминланаётгани ана шундай ютуқларимиз сирасидандир. Ҳар бир шахснинг жамияти ҳуқуқлари, жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқи ва кафолатлари қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида Олий Мажлиснинг аввалги таркиби фаолиятига тўхталар экан: "парламентимиз томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислохотларни ҳаётимизга жорий этишда, фуқаролик жамияти қуриш йўлида қўйган қадамларимизда муносиб ҳисса бўлди", дея алоҳида қайд этди.

Ўтган давр мобайнида 140 дан ортиқ қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳам бу фикрнинг яққол тасдиқлайди.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун шулар жумласига кирди. Шу каби қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги фаолият самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, авваломбор, Конституцияимизнинг 35-моддасида ҳар бир

шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги, аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқилиши белгилаб қўйилганига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бош Қомусимизнинг 44-моддасида эса, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлини назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ барча масалалар ушбу конституциявий меъёрлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Шу жумладан, ўтган даврда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун бу борада муҳим аҳамият касб этганини қайд этиш ўринлидир.

(Давоми учинчи бетда)

2015 йилнинг 1 майдан 31 октябрга қадар Италиянинг Милан шаҳрида "Евро Milano 2015" жаҳон кўрғазмаси ўтказилади. Унда Ўзбекистон ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон экспорт салоҳияти жаҳон кўрғазмасида

Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2014 йил 29 декабрдаги қарорига мувофиқ мазкур кўрғазмада мамлакатимиз компанияларининг кенг иштирокини таъминлаш, Италияда Ўзбекистон миллий павильонини ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Жаҳон кўрғазмаси илк бор 1851 йили Лондонда ташкил этилган. Кўламдорлиги ва самарадорлиги боис кейинчалик бошқа мамлакатлар ҳам унинг ўтказишга қарор қилган. Дунёга машҳур Эйфель минораси Парижда ўтган "Евро Paris 1889" жаҳон кўрғазмасига бағишлаб барпо этилганининг нуфузидан яна бир далолат. 1928 йилда Францияда жаҳон кўрғазмаларини ташкил этувчи уюшма — Халқаро кўрғазмалар бюроси тuzилган. Шундан буён ушбу тадбирга мезбонлик қилувчи мамлакат овоз бериш орқали

танлаб олинади. Камида олти ой давом этадиган "Евро" жаҳон кўрғазмаси ҳар беш йилда ўтказилади.

"Дунёни озиқлантириш, ҳаёт учун қувват" шиори остида ўтказиладиган бу галли жаҳон кўрғазмасида 150 га яқин мамлакатдан мингдан ортиқ компаниялар иштирок этиши, унга 30 миллиондан зиёд киши ташриф буюриши кутилмоқда. Кўрғазма иқтисодиёт, қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат саноатининг барча замонавий йўналишларини камраб олади. У ерда атироф-муҳитни муҳофаза қилиш, биохимиялиқни сақлаш, қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва уларни сақлаш масалалари, ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияларига оид ўнлаб бўлимлар очилади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг,
жавоб берамиз

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда дарахтларни рухсатсиз кесганлик учун жавобгарлик белги-ланганми?

У.УМИРОВА,

Сурхондарё вилояти, Узун тумани

— Ҳа, амалдаги қонунларда бундай ноқонуний қилмиш учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 79-моддасида дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесганлик, шикаст етказганлик ёки йўқ қилганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесмиш, шикастлан-риш ёки йўқ қилиш — фука-

роларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фукароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Солиқларни ўз вақтида тўламаган тақдирда, солиқ инспекцияси ходимлари ундирувни мол-мулкка қаратиши мумкинми?

Рихсиной ШАРИПОВА,

Тошкент вилояти, Паркент тумани

— Маълумки, Солиқ кодексининг 65-моддасига мувофиқ ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкка қаратиш давлат солиқ хизмати, органининг даъво аризаси асосида суд тартибда амалга оширилади.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкка қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади. Даъво аризасига қуйдаги ҳужжатлар илова қилинади:

— солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий картонкаларидан кўчирма;

— солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;

— солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;

— солиқ тўловчининг охириги

Айтинг-чи, йўловчи ташийдиган автобус ҳайдовчилари қўл телефонидан фойдаланиши мумкинми?

Акбар ЮНУСОВ,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

— Йўқ, мумкин эмас. Бинобарин, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128¹-моддасига мувофиқ, транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши — энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Яқинда меҳнат интизомини бузганлигим сабабли интизомий жазо олган эдим. Айтинг-чи, интизомий жазо қанча муддатга амал қилади?

Ф. РУСТАМОВ,

Фаргона вилояти, Бувайда тумани

— Маълумки, Меҳнат кодексининг 183-моддасига кўра, интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлланилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетиши мумкин эмас. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисоб-

ланади. Интизомий жазони қўлланган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра, жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гўлнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу муносабат билан Президентимизнинг маърузасида қўйилган вази-фарларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори қабул қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида, аввало, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг аввалги таркиби фаолиятига якуний баҳо берар экан, парламент томонидан амалга оширилган ишлар демократик ислохотларни ҳаётга жорий этиш, фукаролик жамияти қуриш йўлида қўйган қадамларимизда муносиб ҳисса бўлганини қайд этди. Ўтган давр мобайнида 140 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳам бу ҳолис эътирофни яққол тасдиқлайди.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларимизнинг Стратегик дастурига айланди.

Бугунги кунгача Концепция доирасида 27 та қонун қабул қилинди. Шу ўринда ушбу қонунларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқаруви янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фукаролик институтларини

Munosabat va mulohaza

Юксак ишонч масъулияти



ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлганини қайд этиш мақсада мувофиқ-дир.

Мамлакатимиз раҳбари юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда янада ислох этиш, мустақамлаш ва эркинлаштириш бўйича амалга оширилган тизимли ишларда парламент алоҳида ўрин тутганини таъкидлаб ўтди. Ана шу даврда парламент томонидан қабул қилинган 30 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустақамлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, ҳуқуқни

муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлаётгани бунинг ёркин далилидир.

Мажлисида Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлигини амалга ошириш бўйича янги, замонавий фаолият шакллари жорий этишга қаратилган ишлари алоҳида қайд этилгани бежиз эмас. Биргина мисол: Қонунчилик палатаси томонидан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолиятининг очиқлик органи бўлмиш Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этиш мақсади белгилаб олинган эди. Бугунги кунда ҳорижий

экспертлар ноёб хусусиятга эга бўлган ушбу тажриба сифатли, ҳаётнинг бугунги талабларига жавоб берадиган қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишнинг замонавий усулларини синоп кўриш имконини берганини эътироф этишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бундан роппа-роса ўн йил олдин таркибда депутатлар доимий равишда, профессионал асосда ишлайдиган Қонунчилик палатаси ва шунингдек, ҳудудий вакиллардан иборат қонунчилик органи бўлмиш Сенат фаолият кўрсатадиган икки палатали парламентни ташкил этиш мақсади белгилаб олинган эди. Бугун ана шу мақсадимиз

тўлиқ рўёбга чиқди.

Табийки, бу борада эришилган натижалар жуда салмоқли ва фойдалидир. Яъни парламентимиз қабул қилаётган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Мамлакатимизнинг турли минтақалари, тармоқлари ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблиги тобора самарали таъминланмоқда.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятини ҳолисона баҳолаш билан бирга, кўзга ташланган камчилик ва нуқсонлар устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди.

Энг асосийси, парламентнинг икки палатаси — бу яхлит тизим, мамлакатимизнинг ягона қонунчилик органидир. Президентимиз таъкидлаганидек, Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, биз қаерда, қайси лавозимда ишлаймиз, қайси сиёсий партияга аъзо бўлмайлик, умумдавлат манфаати, Ўзбекистон келажаги барчамизни бирлаштиради.

Бобомурод РАЙИМОВ

Qonun ko'magi

Шартнома интизоми

унга қатъий риоя этиш қонунийликни таъминлайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу борада Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хусусан, 2014 йил мобайнида вилоят хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар томонидан тузилган 14 минг 159 та шартноманинг қонунийлиги ўрганиб чиқилди.

Айтиш керакки, бу борада аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан судларга 10 миллион 257 миллион 668 минг сўмлик 1 358 та даъво аризаси, қонунбузилиш ҳолатларини бар-тараф қилиш юзасидан эса, тегишли идораларга 180 та тақдимнома, 704 та оғоҳнома киритилди. Қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган корхона, ташкилот ва хўжалик юритувчи субъектларнинг 121 нафар масъул ходими интизомий жавобгарликка тортилди. Уларнинг 6 нафари эгал-

лаб турган лавозимидан озод қилинди.

Айтиш керакки, 2014 йил давомида судлар томонидан жами 9 миллиард 225,9 миллион сўмлик 1 156 та даъво аризаси кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Бундан ташқари Тошкент вилояти хўжалик суди томонидан пахта тозалаш корхоналари ҳисобидан фермер хўжаликлари фойдасига 3 миллиард 140 миллион 260 минг сўм асосий қарз ва 12 миллион 684,3 минг сўм пеня ҳамда 193 миллион 105,6 минг сўм жарима ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Мисол учун Ўртачирчқ туманидаги "Мирзакаримов Тешабой ота" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, Ўртачирчқ туманидаги "Қорасув пахта тозалаш корхонаси" очиқ акциядорлик жамиятидан шарнома мажбуриятларини бажармаганлиги

натижасида юзага келган 176 миллион 874 минг 414 сўмни ундириш ҳақида вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризаси кўриб чиқилди ва даъво қисман қаноатлантирилди. Яъни вилоят хўжалик судининг "Қорасув пахта тозалаш корхонаси" очиқ акциядорлик жамияти ҳисобидан 169 миллион 183 минг 960 сўм миқдордаги қарздорликни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Ўз навбатида, адлия бошқармаси томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг қулай ва самарали воситаси ҳисобланган "Ишонч телефони"га келиб тушаётган мурожаатларни қонун доирасида ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2014 йил мобайнида "Ишонч телефони" орқали 30 та мурожаат қабул қилинди. Ушбу мурожаатларнинг 19 таси қаноатлантирилиб, 5 таси юзасидан судларга даъво ариза

ҳамда 8 таси бўйича тегишли идораларга тақдимнома киритилди.

Масалан, Бекобод туманида фаолият юритаётган "Бокиева Назира" фермер хўжалигининг раҳбари Н.Боқиеваннинг "Далварзин пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамияти томонидан 2014 йил ҳосили ҳисобидан топширилган пахта хомашёси учун мавжуд қарздорлик тўлаб берилмаётгани юзасидан "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди ва очиқ акциядорлик жамияти мутасаддилари номига тақдимнома киритилди.

Ушбу тақдимномага асосан мажбур қорхона томонидан "Бокиева Назира" фермер хўжалиги фойдасига 35 миллион сўм миқдордаги қарз тўлаб берилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома интизомига тўлиқ риоя этиш ҳамкорлар ўртасидаги ўзаро ишончли қарор топтириш ва иқтисодий муносабатларни изчил давом эттириш имконини берибгина қолмай, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Б. РАҲИМОВ,

Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Insonparvarlik tamoyillari

Зарарни

сўм қиммат нарҳда сотишга эришиб, ўзганин жуда кўп миқдордаги мулкни уюшган гуруҳ манфаатларида ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

Шундан сўнг Шавкат Абдуллаев жиноий ҳаракатларини яна давом эттириб, "Тикувчи сеҳри" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Вазифини бажарувчи Мухсинбек Абду-маликовни ўзига ҳамтовок қилиб олади.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, андижонлик Шавкат Абдуллаев ва Мухсинбек Абдумаликов (исм-шарифлар ўзгартирилган)лар ҳам ҳалолликни эмас, қинғирликни, сохталикни ўзларига эп билишди. Очиқроқ айтганда, Шавкат Абдуллаев "Андижон худудий электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамиятининг ускуналарни таъмирлаш устахонасида уста ва таъминот бўлимида муҳандис вазифини фаолият юритиши давомида жиноий қилмишга қўл урди. У акциядорлик жа-

бдор томонидан қопланиши жазони жиддий қамай-тирувчи ҳолат, деб топилиши ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган. Суд амалиётида мажбур қонунларнинг қўлланилиши таҳлил қилинганда, биргина жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди томонидан 2013-2014 йиллар мобайнида кўрилган жиноят ишлари бўйича умумий ҳисобда 3 миллион 175 миллион сўмдан ортиқ миқдорда моддий зарар қопланганлиги муносабати билан 101 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тай-

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Пировадиди фуқароларнинг судларга бўлган ишончи юксалиб, судларда кўрилатган низо турлари, жумладан, иқтисодий, мулк ва мерос билан боғлиқ мунозабарлар сони ошиб бораётган. Ўз навбатида, судлар ҳар бир мунозабар ортида инсон тақдирини турганини инобатга олган ҳолда, уларни ўз вақтида қонуний ҳал этиш, адолатли қарорлар қабул қилинишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мисол учун 2014 йил март ойида умумюрисдикция судлари томонидан одил судловни амалга ошириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Яъни судларда 7 500 та мулк ва мерос билан боғлиқ ишлар кўрилди.

Шу ўринда фуқароларнинг мунозабарларини судларда кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бу борадаги қонунчилик ҳам такомиллаштирилгани ҳақида алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хусусан, 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунга асосан Фуқаролик процессуал кодексининг 310, 320, 346 ва 348¹-моддалари янги тахрирда баён этилди. Унга кўра, суд қарорларига нисбатан нафақат ишда иштирок этувчи шахслар, балки ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳам шикоят (ариза) билан мунозабар қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шу жиҳатдан, умумюрисдикция судлари томонидан 2014 йил давомидан судларга келиб тушган жисмоний ва юридик шахслар мунозабарларини кўриб чиқиш натижалари диққатни тортади. Жумладан, ўтган йил давомидан Олий судга фуқаролик ишлари бўйича 13 150 та (2013 йилда — 11 885 та), жиноят ишлари бўйича 9 084 та (2013 йилда — 8 448 та), жами 22 234 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг сони олдинги йилга нисбатан 1 901 тага, яъни 9,3 фоизга кўпайган.

Бунинг асосий қисмини бевосита фуқаролардан келиб тушган мунозабарлар ташкил этади. Яъни 2014 йилда бевосита фуқаролардан 13 777 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг барча мунозабарлардаги салмоғи 61,9 фоизни ташкил этади. 2013 йилда бу кўрсаткич тегишлича 12 175 тани, яъни 59,9 фоизни ташкил этган.

Шу жумладан, 2014 йилда фуқаролик ишлари бўйича бевосита фуқаролардан 8 628 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлса, бу кўрсаткич жиноят ишлари бўйича 5 149 тани ташкил этган.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судларга жами 74 317 та (2013 йилда — 57 994 та) мунозабар келиб тушган. Бошқача айтганда, бу борада ҳам ўтган йили олдинги йилга нисбатан судларга мунозабарлар миқдори нисбатан ортганини кузатиш мумкин.

Шубҳасиз, жисмоний ва юридик шахсларнинг судларга мунозабати йилдан-йилга кўпайиб бораётгани уларнинг ҳуқуқий маданияти юксалиётганидан, суд орқали бузилган ҳуқуқларини тиклашга бўлган ишонч ортаётганидан далolat беради. Статистик маълумотларга қараган-

да, такрорий шикоятларнинг сони камайгани кузатишда, бу эса мунозабарларни ўрганиш чоғида давлат органлари ва давлат муассасаларининг бурч ва масъулияти янада кучайганини англатади, албатта.

2014 йил 4 декабрь кунидан эътиборан амалга киритилган «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мунозабарлари тўғрисида»ги қонун манфаатдор шахсларнинг давлат органларига мунозабар этиши тартибини такомиллаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Жумладан, янги қонун юридик шахслар мунозабарларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий мунозабарларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирди. Қолаверса, мазкур соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарликни белгилаш, давлат органларига, мансабдор шахсларга мунозабар қилиш

мунозабарларни бериш ва уларни кўриб чиқиш мuddатлари, кўрмай қолдириш асослари, уларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқлари, давлат органларининг мажбуриятлари қайд этилган. Бу борадаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка оид қоидалар ҳам ифодалаб берилган.

Жумладан, ушбу янги қонун билан бу борадаги қилмишлар доираси янада кенгайтирилди. Яъни ушбу қонунда мунозабарларни қабул қилиш, ёзма ёки электрон шаклда жавоб юбормаслик маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

Шу ўринда янги қонуннинг «Фуқароларнинг мунозабарлари тўғрисида»ги қонундан қандай фарқли жиҳатлари борлиги хусусида тўхталиш ҳам айни зарурат. Аввало, олдинги

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмас, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўралаётган ахборотни, қонун талабига кўра, ўн кун ичида тақдим этиши шарт қилиб қўйилди.

Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар ўз мунозабарлари кўриб чиқилганига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мунозабар юзасидан қарор қабул қилинганга қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали мунозабарларини қайтариб олишлари ҳам мумкин бўлади. Бунда мунозабарни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонунбузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилиши истисно этмаслиги лозим.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, ҳаётда айрим мутасаддилар томонидан мунозабарларни белгиланган тартибда кўриб чиқишда сансалорликларга йўл қўйиш, бу борадаги камчилик ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф этмаслик ҳолатлари ҳам учраб туради. Буларнинг олдини олиш мақсадида янги қонунда тегишли меъёрлар белгиланди.

Жумладан, давлат органлари мунозабарларни кўриб чиқишда Конституция ва амалдаги қонунларга тўлиқ риоя этиши, мунозабарлар ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун зарур чора-тадбирлар қўллаши шарт. Улар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши талаб этилади.

Қонунда мунозабарлар, уларнинг тури ва шаклидан қатъи назар, электрон ёки оғзаки бўладими, бир хил аҳамиятга эгаллиги мустаҳкамланди. Хусусан, қонун талабига кўра, электрон мунозабар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа референтларга эга электрон ҳужжат шаклида бўлади.

Мунозабарни қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга хилоф равишда рад этилганда, жисмоний ёки юридик шахс юқори турувчи органга ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Айтиш кераки, қонунда мунозабарларни кўрмай қолдириш асослари ҳам белгиланган. Яъни аноним мунозабарлар, жисмоний ва юридик шахслар вакиллари орқали берилган мунозабарлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаганда, қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ келмаган мунозабарлар кўрмасдан қолдирилади.

Жисмоний шахснинг исм-фамилияси, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери, почта манзили тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган, имзо ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган мунозабарлар аноним ҳисобланади.

Қисқача айтганда, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мунозабарлари тўғрисида»ги қонунда жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига мунозабарлари билан боғлиқ масалалар кенг қамраб олинган. Шу нуктаи назардан, ушбу қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кўчкор ТОҒАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари

Islohot va samara**Кассация инстанцияси**

суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шунингдек, ушбу кодекснинг 348¹-моддасида белгиланганидек, қонуний кучга кирган, апелляция тартибда кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар ҳам кассация тартибда шикоят бериши ва прокурор протест келтириши мумкин.

Мамлакатимизда ишни кассация тартибда кўриш Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судларида, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларида уч нафар судьялардан иборат таркибда амалга оширилади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Фуқаролик процессуал кодексининг 318-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси судининг ажримчи чиқарилиши билан қонуний кучга кирди. Кассация инстанция суди ажримчи устидан фақат ваколатли мансабдор шахслар назорат тартибда шикоят қилиш ва протест келтиришга ҳақли.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, даввогар Р.Қобилов судга давво ариза-си билан мунозабар қилиб, О.Халиловдан Кўкон шаҳар "Иттифоқ" мавзеси, 11-уй, 5-хонадонни 2011 йил 16 март кун 9 миллион сўмга сотиб олгани, бу ҳақида тилхат ҳам мавжудлиги, давлат нотариал идорасида руйхатдан ўтказишга жавобгарлар қарши эмаслигини, фақатгина собиқ турмуш ўртоғи Ш.Юсупова қаршилик қилаётганини билдириб, олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ва низоли уй-жойга эгаллик ҳуқуқини белгиланиши сўраган.

Бирок биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ариза-си қаноатлантирилмай қолдирилган.

Шундан сўнг Р.Қобиловнинг кассация тартибда ёзган шикоятини асосида фуқаролик иши вилоят судининг кассация инстанциясида кўриб чиқилди ва қўйиладиганга асосан суд қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Яъни ишдаги мавжуд ҳужжатларга кўра, Кўкон шаҳар "Иттифоқ" мавзеси, 11-уй, 5-хонадон жавобгар О.Халиловага 2007 йил 3 мартдаги олди-сотди шартномасига асосан тегишли бўлиб, унинг хусусий мулки ҳисобланади.

Р.Қобилов ушбу хонадонни жавобгар О.Халиловдан 9 миллион сўмга сотиб олган. Бундан Кўкон шаҳар "28-сонли Аччиқўл" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан 2012 йил 5 мартда тасдиқланган далолатнома ҳам тасдиқлайди.

Биринчи инстанция суди даввогар томонидан тақдим қилинган тилхат асосида ушбу низоли хонадон олди-сотди

қилингани ва жавобгарлар давлат нотариал идорасига боришга қарши эмаслигини инобатга олмасдан даввони қаноатлантиришни рад этиб, барвақт хулосага келган.

Зотан, Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Суд амалиётида битимларни тартибга солиш қонунчилик нормаларини таъбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"ги қарори 4-бандида, Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ, битимнинг қисман ёки тўлиқ бажарилганлиги ҳақида ёзма далиллар мавжуд бўлганда ёхуд жавобгар томонидан битим тўзилганлиги тан олинганда судлар ҳар қандай битимларни эмас, фақатгина қонунда нотариал тасдиқлангани ёки давлат рўйхатидан ўтказилгани талаб қилинадиган битимларни ҳақиқий деб топиши тўғрисида раҳбарий кўрсатма берилган.

Судда жавобгарлар ҳақиқатан ҳам, ушбу хонадонни Р.Қобиловга 9.000.000 сўмга сотишгани ва ушбу маблағни санаб олишгани, фақат Р.Қобилов ва унинг собиқ турмуш ўртоғи Ш.Юсупова ўртасида келишимовчилик юзга келгани туфайли уйни нотариал тартибда расмийлаштирилмаганини қайд этиб ўтишди.

Бундан ташқари судга жавобгар У.Рўзमतов ариза билан мунозабар қилиб, даввогарнинг даввосини тўлиқ тан олишини, низоли уйни сотгани ва пулини тўлиқ олганини, низоли уйга нисбатан Р.Қобиловнинг эгаллик ҳуқуқини белгиланиши қарши эмаслигини билдирган.

Фуқаролик процессуал кодексининг 180-моддаси 4-бандига кўра, жавобгар арз қилинган талабларни тан олса ва суд бу тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Бинобарин, Олий суд Пленумининг "Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибда кўриш амалиёти ҳақида"ги қарори 11-бандида, Фуқаролик процессуал кодексининг 343, 348¹-моддалари талабига мувофиқ апелляция, кассация инстанция судлари биринчи босқич судлари томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорларини ўзгаришсиз қолдириши, ўзгартиришга, қисман ёки бутунлай бекор қилиб, низо юзасидан янги ҳал қилув қарори чиқаришга ваколатлидир.

Ушбу қонуний талабларга мувофиқ, кассация инстанцияси томонидан биринчи босқич судининг қарори бекор қилиниб, даввони қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, кассация тартибда иш юритиш фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш, қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг раиси

Mezon**Жисмоний ва юридик шахслар мунозабарлари**

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди

тартибини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш ва амалга оширишга хизмат қилади.

Энг асосийси, ушбу ҳужжат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг ариза ва шикоятлар, давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тақлиф ва тавсиялар билан давлат органи ва муассасаларига, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига мунозабар қилиш ҳуқуқлари янада мустаҳкамланди.

Янги қонуннинг афзаллиги шундаки, унинг 3, 4, 5, 6, 10, 11, 13, 16, 19 ва 21-моддаларига мувофиқ, юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир жисмоний шахс, шунингдек, хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ҳамда фуқаролик бўлмаган шахслар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан, ҳар бир юридик шахс эса, мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили) ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ҳеч бир камситиларсиз ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мунозабар қилиш ҳуқуқига эга экани аниқ белгиланган.

Бунда жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида тўғри ёки электрон ёхуд почта алоқаси воситалари орқали оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда мунозабар қилишлари мумкин. Шунингдек, уларнинг давлат тили ёки ўз она тилида ўзи ёки вакиллари ёхуд адвокатлари ёрдамида, яққа тартибда ёки жамоа бўлиб мунозабар этишлари ҳам қонунда кўзда тутилган эътиборлидир. Содда қилиб айтганда, мунозабарлар давлат органлари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқиши шарт.

Қонунда мунозабарларнинг шакл ва турлари, уларга нисбатан қўйиладиган талаблар, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрни, жисмоний ва юридик шахслар вакиллари қабул қилиш тартиби ҳам белгиланган. Айни чоғда, мунозабар этиш ҳуқуқларининг қаноатли,

қонуннинг ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини фақат фуқаролар мунозабарлари ташкил этган бўлиб, юридик шахсларнинг давлат органларига мунозабарларини кўриб чиқиш эса, қамраб олинмаганини таъкидлаш жоиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, янги қонун билан юридик шахсларнинг давлат органлари ва муассасаларига мунозабарлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинди.

Мунозабарлари ахборот-коммуникация технологиялари воситасида бериш ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу ҳам қонундаги муҳим янгиланган бирдир. Шунингдек, қонунда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш шартлари ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, шунингдек, қабул қилиш тартибини давлат органлари расмий веб-сайтларида ёзмон қилиш, уларнинг маъмурий биносидан ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендарга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказиш ҳам назарда тутилган.

Давлат органларининг шахсий қабулни ўтказувчи раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, жумладан, ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича мунозабар этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас. Ушбу қонуннинг 8-моддаси 5-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Янги ҳужжатга биноан, шахсий қабул давомидан давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мунозабар этишнинг ёзма розилиги билан аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш имконини берадиган махсус техника воситалари қўлланилади, давлат органлари раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилади. Шунга кўра, судга мунозабар этишчи фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида жойларда Олий суд раҳбарининг қабулларини ташкиллаштириш режалаштирилган.

Қолаверса, ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса,

зарар тўлиқ қопланганини эътиборга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. Хусусан, уларга Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, икки йилга муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик белгиланган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда жарима жазоси тайинлашни лозим, деб топди. Бу, ўз навбатида, икки оила бошланигининг фарзандлари бағрига қайтишга, оиласи даврасида ҳалол меҳнат билан шуғулланиш имконини яратгани билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, моддий за-

рарнинг ихтиёрий равишда қоплангани жиноий қилмиш натижасида моддий зарар кўрган қорхона, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатини таъминлашга қўлмай, тарафлар ўртасида юзга келган низоларни тинч йўл билан бартараф этиш ҳамда айбдорни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқдан қайта тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Бу, ўз навбатида, юртимизда инсонпарварлик ва қонун устуворлиги тамойилларига тўлиқ риоя этилаётганининг ёрқин далолатидир.

Носиржон РАСУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг раиси

Ихтиёрий қоплаш

жавобгарга енгиллик беради

У Муҳсинбек Абдумаликов ҳамда "Андижон ҳудудий электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти

ҳамда "Андижон ҳудудий электр тармоқлари" очик акциядорлик жамияти мансабдор шахслари билан такроран жиноий тил бириктириб, икки жамият ўртасида тузилган ҳужжатларга сохта маълумотлар кириштириб, ҳақиқий қиймати 44 766 627 сўм бўлган товарларни "Андижон ҳудудий электр тармоқлари" очик акциядорлик жамиятига 29 706 000 сўмга ўтказиб, катта миқдордаги маблағни такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилади.

дий электр тармоқлари" очик акциядорлик жамиятига 85 397 000 сўмга, яъни 40 630 373 сўм қиммат нархда ўтказди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Муҳсинбек Абдумаликов "Алмаз фэйз" маъсулияти чекланган жамиятида раҳбар вазифасида фаолият юритган даврда, мансаб мавқеидан такроран жиноий мақсадда фойдаланади. "Алмаз фэйз"

зарар тўлиқ қопланганини эътиборга олиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлади. Хусусан, уларга Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, икки йилга муайян ҳуқуқдан, яъни мансабдорлик ва моддий жавобгарлик белгиланган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда жарима жазоси тайинлашни лозим, деб топди. Бу, ўз навбатида, икки оила бошланигининг фарзандлари бағрига қайтишга, оиласи даврасида ҳалол меҳнат билан шуғулланиш имконини яратгани билан аҳамиятлидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, моддий за-

рарнинг ихтиёрий равишда қоплангани жиноий қилмиш натижасида моддий зарар кўрган қорхона, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг қонуний манфаатини таъминлашга қўлмай, тарафлар ўртасида юзга келган низоларни тинч йўл билан бартараф этиш ҳамда айбдорни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқдан қайта тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Бу, ўз навбатида, юртимизда инсонпарварлик ва қонун устуворлиги тамойилларига тўлиқ риоя этилаётганининг ёрқин далолатидир.

Носиржон РАСУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон туман судининг раиси

Jinoyatga jazo muqarrar**Товламачининг тузоғи**

(Давоми. Бошланиши ўтган сонда)

Ҳаётда киши **СУД ОЧЕРКИ** зарқул Хўжамқунафс йўриғига юрса, инсоф-диёнати нунтса, ҳар қандай қинғирликдан тап тортмай қўяй экан. Товламачи Т.Кўзиевнинг кейинги қилмишларини эшитиб, киши беихтиёр шундай фикрга келади. Қонларнинг бирида Т.Кўзиев ўзи яшаётган маҳаллада жойлашган На-

дўконга қиради.

— Сен боланинг ишларинг унчалки тўғри эмасга ўхшайди, — дейди у аллақандай таҳдидли оҳангда. — Агар устиндан ариза ёзсам, аҳвол яхши бўлмайди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Донолар дейдиларки

Инсоннинг оғоёли бўлиши олтинга эга бўлишдан кўра хайрлидир.

Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олим ва фозил борлигини билади.

Тарбиянинг бош мақсади бир-бирига меҳр-оқибатли инсонларни вояга етказишдир.

Одамларнинг муҳаббатини мол-у дунёнингиз билан эмас, оғоб-у хушмуомаланиш билан қозонасиз.

Ақлли инсон бошқаларнинг камчиликларини кўриб, ўз камчиликларини тузатади.

Гўзал хулқ — бировга азият етказмаслик, вазабини сўндириш, ўзини хотиржан тутиш ва ширинсуханликдандир.

Фазилат бизларни саодатга етказувчи бирган-бир воситадир.

Ўзбекистон экспорт салоҳияти жаҳон кўрғазмасида



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур нуфузли кўрғазмага Ўзбекистоннинг тақлиф этилган бежиз эмас. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти изчил юксалиб бормоқда. "Made in Uzbekistan" ёрлиги туширилган маҳсулотлар жаҳон бозорига кенг ўрин эгалламоқда. Экспортни қўллаб-қувватлаш, бундай корхоналарга имтиёз ва преференциялар беришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай имкониятлар самарасида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш истагидаги ишбилармонларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар тақлиф этаётган маҳсулот ва хизматлар юқори сифати билан хорижий истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. "Expo Milano 2015" жаҳон кўрғазмаси мамлакатимизнинг

улкан иқтисодий салоҳиятини дунёга намойиш этиш, озиқ-овқат саноатидаги халқаро талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш, янги ҳамкорлар топиш, экспорт географиясини кенгайтириш, шунингдек, Италия билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Таъқиқ иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан маълум қилишларича, мазкур халқаро кўрғазмада мамлакатимизнинг сармоса, экспорт-импорт, консалтинг ҳамда транспорт хизматлари кўрсатиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби соҳаларга ихтисослашган муассасалар, шунингдек, пахта толаси, енгил ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм материаллари, машинасозлик, металлургия, тўқимачилик, фармацевтика, мева-сабзавот,



озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ва мебеллар савдоси билан шуғулланувчи компания ва корхоналар иштирок этади. Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ўзмарказимпэкс", "Ўзинтер-импэкс", "Марказсаноатэкспорт", "Ўзпромашимпэкс", "Ўзтадбиркорэкспорт", "Ўзвино-саноат-холдинг", "Ўзулгуржисавдо инвест", "Ўрта Осий Транс", "Ўзбекистон ҳаво йўллари" каби муассаса ва компаниялар шулар жумласидандир.

"Expo Milano 2015" жаҳон кўрғазмасида Ўзбекистон миллий павильони учун 500 квадрат метр жой ажратилган. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, халқимиз маданияти ва миллий таомларига оид тўрт бўлим ташкил этилади. Миллий колорит

билан безатиладиган Ўзбекистон павильони ўзига хос дизайни ва мазмунан бойлиги билан кўрғазма иштирокчиларининг эътиборини тортиши шубҳасиз.

Кўрғазма иштирокчилари халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси, истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоёвий салоҳияти, эркин иқтисодий зоналари, ривожланган транспорт инфратузилмаси, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш саноати, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик соҳаларидаги тажрибаси, замонавий техника ва технологиялари, ўзбек миллий таомлари, нон ва қандолат маҳсулотлари, урф-одат ва аъённаларига оид қўллаб-қувватлаш билан танишиш имконига эга бўлади.

Халқаро кўрғазма доирасида озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, соҳада янги инновация ва технологияларни кенг жорий қилиш, соғлом оқитиланишни тарғиб этиш каби кўплаб мавзуларда семинар ва конференциялар ўтказилди.

"Expo Milano 2015" жаҳон кўрғазмаси мамлакатимиз компания ва корхоналари учун хорижий давлатлар ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик ўрнатиш, мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш, маҳсулот ва хизматларни экспорт қилиш бўйича келишувларга эришиш, юртимизга инвестициялар жалб этиш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кенг имконият яратди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири

Garoyib olam

Инсон ақл-заковатининг юксак маҳсули бўлган замонавий техника ва технологиялар бугунги кунда ҳаётнинг барча соҳаларига кенг қўлланилмоқда.

Биз билган ва билмаган дунё



БЕКІЎС ИМКОНІЯТЛАР КАЛІТИ

Масалан, ҳозирда замонавий компьютерлар ўта тажрибали шифокор сифатида беморга ташхис қўйиши, шахмат ўйнаши, куй басталаш, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиши, хуллас, ҳар қандай мураккаб вазибаларни ҳам аъло даражада бажариши мумкин.

Айтиш керакки, яқинда бир гуруҳ тадқиқотчилар томонидан телефондаги сўзлашувни автоматик тарзда таржима қилиш бўйича гаройиб тажриба ўтказилди. Аниқроқ айтганда, тадқиқотчилар Япониянинг қадимий пойтахти Киото шаҳри билан АҚШнинг Питсбург шаҳри, Киотодан Германиянинг Мюнхен шаҳри ўртасида 15 дақиқалик телефон сўзлашув ташкил этишди ва ушбу сўзлашув жараёнида телефонга гаплашаётган томонлар 700 та сўзни ифода этишган бўлса, компьютер бир сўزلарни бир тилдан иккинчи тилга атиги 10 сонияда ўта аниқлик билан таржима қилиб, айнан суҳбатда иштирок этаётган шахснинг овозида керакли манзилга узабик турди.

Бундан ташқари бугунги кунда авиация соҳасида ҳам замонавий компьютер имкониятларидан кенг фойдаланилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Яъни самолётларнинг хавфсиз парвозини таъминлаш, уларнинг баландлиги, тезлиги ва қўни шавқини белгилашда айнан ушбу мўъжизавий қурилма ўта муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, тиббиёт соҳасида ҳам компьютер имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Аниқроқ айтганда, бугунги кунда компьютер ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйилиб, мураккаб жарроҳлик операциялари ўтказилмоқда. Ҳатто илонлардан заҳар олишда ҳам ушбу қурилмани бекиёс имкониятлари жуда қўл келмоқда. Маълумки, илон заҳарини олиш ўта хавфлиги билан бирга қишдан алоҳида хушёрлигини ҳам талаб қилади. Буни қарангки, Индонезиянинг Сулавеси ороли яқинида жойлашган тиббиёт маркази мутахассислари бунинг хавфсиз йўлини ўйлаб топшига муваффақ бўлишди. Яъни улар илонларнинг заҳарини олишда айнан компьютер имконият-

ларидан фойдаланишмоқда. Гап шундаки, оператор компьютер хотирасидан қайси илондан заҳар олиш кераклигини аниқлайди ва зарур кўрсатма беради. Шундан сўнг эластик "қўллар" билан жиҳозланган манипулятор ўша заҳарли илонни тутиб, унинг заҳарини олади.

Бугунги кунда Лос-Анжелес кўчаларида одатдан ташқари автомобиллар ҳаракатланаётганини кўпчилигининг эътиборини тортмоқда. Гап шундаки, ташқи кўринишдан бошқа автомобиллардан асло фарқ қилмайдиган бу автоулов фақат антика компьютерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Автомобилга ўрнатилган компьютер эса, ҳайдовчига айни дақиқада қайси кўчаларда транспорт тирбандлиги ҳақида олдиндан хабар беради ва шу билан бирга манзарли томони шундаки, ушбу 15 дақиқа ичида телефонда гаплашаётган томонлар 700 та сўзни ифода этишган бўлса, компьютер бир сўزلарни бир тилдан иккинчи тилга атиги 10 сонияда ўта аниқлик билан таржима қилиб, айнан суҳбатда иштирок этаётган шахснинг овозида керакли манзилга узабик турди.

Бундан ташқари бугунги кунда авиация соҳасида ҳам замонавий компьютер имкониятларидан кенг фойдаланилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз. Яъни самолётларнинг хавфсиз парвозини таъминлаш, уларнинг баландлиги, тезлиги ва қўни шавқини белгилашда айнан ушбу мўъжизавий қурилма ўта муҳим ўрин тутди.

Шунингдек, тиббиёт соҳасида ҳам компьютер имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда. Аниқроқ айтганда, бугунги кунда компьютер ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйилиб, мураккаб жарроҳлик операциялари ўтказилмоқда. Ҳатто илонлардан заҳар олишда ҳам ушбу қурилмани бекиёс имкониятлари жуда қўл келмоқда. Маълумки, илон заҳарини олиш ўта хавфлиги билан бирга қишдан алоҳида хушёрлигини ҳам талаб қилади. Буни қарангки, Индонезиянинг Сулавеси ороли яқинида жойлашган тиббиёт маркази мутахассислари бунинг хавфсиз йўлини ўйлаб топшига муваффақ бўлишди. Яъни улар илонларнинг заҳарини олишда айнан компьютер имконият-

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРДИЕВ таяёрлади.

Maslahat

Жабрланувчи

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 55-моддасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида фикр юритилган. Яъни жабрланувчи: кўрсатма бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз она тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вақил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари усти-

дан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, жабрланувчи суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатмалар бериши, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг терговчи ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Бундан ташқари жабрланувчи кўрсатма беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатмалар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади.

Тўлқинжон ТҲҲАСИНОВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Н.Хўжамқулов унинг гапларини эшитиб туриб, қутилмаганда, гангиб қолади. Буни кўриб, товламачи Т.Кўзиев муддаога ўтади:

— Агар ҳар ҳафта менинг уйимга 50 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиб турсанг, бемалол ишлайверсан. Сени ҳеч ким безовта қилмайди...

Аммо Н.Хўжамқулов дўконнинг ҳамма ҳужжатлари жойида эканлигини айтиб, таъмагирининг талабини рад этади. Т.Кўзиев эса, билганидан қолмайди. Кейинчалик у ёзган ариза бўйича тегишли идора Н.Хўжамқуловга тегишли дўконда қисқа муддатли текширув ўтказилди. Шундан сўнг ордан бир неча кун ўтгач, Т.Кўзиев масхоромуз илжайган ҳолда яна дўконга кириб келади:

— Кўрдингми, — дейди у. — Агар шартимга кўнмасанг, дўконингни юритолмайсан.

Шундан сўнг Н.Хўжамқулов товламачининг талабини бажаришга мажбур бўлади. Шу тарзда товламачи Т.Кўзиев Н.Хўжамқуловни қўриқтиб, 2013 йил январь ойидан 2014 йилнинг май ойига қадар жами 3 миллион 400 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетади.

Товламачиликнинг ҳадисини олган Т.Кўзиев Эрмат Ериевга тегишли дўконга ҳам шундай чиркин ниятда қиради. Бу гал ҳам Т.Кўзиев эски хунарини ишга солади. Яъни у Э.Ериевга ҳар ҳафтада 20 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари бериб турмаса, устидан ариза ёзишини айтиб, пўписа қилади. Ўз навбатида, Э.Ериев унинг бу талаби-

Jinoyatga jazo muqarrar

Товламачининг тузоғи

СУД ОЧЕРКИ

ни бажаришга қурби етмаслигини айтганда, Т.Кўзиев 200 АҚШ доллари берсанг, йилнинг охирига қадар безовта қилмайман, дейди сурбетлик билан. Қисқаси, 2014 йилнинг 20 май кунини товламачи Т.Кўзиев Э.Ериевнинг дўконига 17 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулоти ва 200 АҚШ долларини товламачилик йўли билан олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ушланади.

Қинғирлик ва товламачиликнинг ҳадисини олган "қахрамонимиз"нинг бошқа қилмишларидан воқиф бўлсангиз, хайратдан ёқа ушлайсиз. Аниқроқ айтганда, Т.Кўзиев қўлга тушишидан анча илгари туман ички ишлар бўлими бошлиғи номига ариза ёзди. У ўз аризасида 1 октябрдан 2 октябрга ўтар кечаси номаълум кимсалар уйига ғайриқонуний равишда кириб, 3 миллион 965 минг сўм ва 200 АҚШ доллари, иккита транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси, иккита фуқаролик паспорти ва иккита уй ҳужжатларини ўғирлаб кетганини билдиради.

Айтиш керакки, унинг аризаси юзасидан туман ички ишлар бўлими тергов бўлимаси томонидан Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилади. Табиийки, дастлабки тергов ҳаракатлари

давомида ариза муаллифи гувоҳ тарихасида сўроқ қилинади. Аслида уйда ҳеч қандай ўғирлик содир этилмаган бўлса-да, Т.Кўзиев ёлгон гувоҳлик беради. Бирок унинг содир этилмаган жиноят тўғрисида била туриб, ёлгон гувоҳлик ва гараз ниятда ёлгон хабар беришда ифодаланган жиноий ҳаракатлари суриштирув ва тергов чоғида қандай равшан бўлиб қолади.

Қисқаси, шу тариқа Т.Кўзиевнинг жиноий қилмишларига ҳеқ қўйилди. Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми "а" банди, 237-моддаси 2-қисми "б" банди ва 238-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилган Т.Кўзиевга суд томонидан қонуний жазо тайинланди.

Шунингдек, суд ажрими билан иш юзасидан жиноят қуроли деб топилган Т.Кўзиевга тегишли нархи 35 миллион 500 минг сўмлик "Ласетти" русумли автомашина давлат фойдасига мусодара қилинди. Бундан ташқари Т.Кўзиев гаров тарихасида олиб, товламачилик мақсадида бермасдан келган барча ҳужжат ва ашёвий далиллар ўз эгаларига қайтарилди. Жабрланувчиларга етказилган моддий зарар ўрнини қоплаш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат

қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Албатта, юқорида баён этилган воқеа ҳар бир кишини мушоҳада юритишга ундайди. Хўш, Т.Кўзиев таламачилик, ўзгалар ҳақида кўз тикиш йўлига кириб, нимга эришди? У барча қилмишлари учун охири-оқибат қонун олдида жавоб берди.

Шунингдек, Т.Кўзиев узоқ вақт товламачилик жиноятини содир этиб келишида жабрланувчиларнинг ҳам айби йўқ деб бўлмайди. Масалан, юқорида баён этилган воқеаларга эътибор берсангиз, жабрланувчиларнинг биронтаси Т.Кўзиевнинг қилмиши тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ўз вақтида хабар бермаган. Бу эса, Т.Кўзиевга қўл келган.

Демак, бундан кўринадики, жиноятчиликнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлаш ўта муҳим ўрин тутди.

Хулоса ўрнида айтганда, умрнинг мазмуни, қўнгил хотиржамлиги ҳалол яшада.

Қинғир ишларга қўл уриш, ўзгалар ҳақида кўз тикиш эса, ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Эгамберди ОЛМОСОВ, жиноят ишлари бўйича Зомин туман судининг раиси Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шоюнус ГАЗИЕВ Мавжуда РАҲАБОВА Кўчкор ТОҒАЕВ Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Замира ЭСОНОВА Холмўмин ЁДГОРОВ Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56. Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575. Буюртма: Г-122. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 9724. 1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 23⁰⁰